

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil/Ped.27.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

ИСАЕВА ШОИРА МАҲАМАДОВНА

ЮСУФ ХОС ҲОЖИБ АСАРИНИНГ ИНГЛИЗ ВА РУС ТИЛИДАГИ
ТАРЖИМАЛАРИДА ЭКВИВАЛЕНТ БЎЛМАГАН ЛЕКСИКАНИНГ
ЛИНГВОМАДАНИЙ ЖИҲАТЛАРИ

10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва таржимашунослик

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

УДК: 811.111'373
811.161.1'373
811.512.133'255.2

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора филологии (PhD)
по филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of Doctor of Philosophy (PhD)
on Philological Sciences**

Исаева Шоира Махаматовна

Юсуф хос Ҳожиб асарининг инглиз ва рус тилидаги таржималарида
эквивалент бўлмаган лексиканинг лингвомаданий жиҳатлари 3

Исаева Шоира Махаматовна

Лингвокультурологический аспект безэквивалентной лексики в английском и
русском переводах произведения Юсуфа хос Хаджиба 27

Shoira Makhamadovna Isaeva

Linguoculturological Aspect of Non-equivalent Vocabulary in English and Russian
Translations of Yusuf Khass Hajib's Work 53

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 57

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil/Ped.27.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

ИСАЕВА ШОИРА МАҲАМАДОВНА

ЮСУФ ХОС ҲОЖИБ АСАРИНИНГ ИНГЛИЗ ВА РУС ТИЛИДАГИ
ТАРЖИМАЛАРИДА ЭКВИВАЛЕНТ БЎЛМАГАН ЛЕКСИКАНИНГ
ЛИНГВОМАДАНИЙ ЖИҲАТЛАРИ

10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва таржимашунослик

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Филсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.3.PhD/Fil584 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасининг (www.uzswlu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Боқиева Гуландом Ҳисамовна**
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оponentлар: **Содиқов Зоҳиджон Якубжанович**
филология фанлари доктори, доцент

Джумабоева Жамила Шариповна
филология фанлари доктори, профессор

Етақчи ташкилот: **Бухоро давлат университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети хузуридаги DSc 03/30.12.2019.Fil/Ped.27.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «26» февраль соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100138, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 21 А уй. тел: (99871) 230-12-91. факс: (99871) 230-12-92; email: uzswlu_info@mail.ru

Диссертация билан Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (4 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100138, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 21 А уй. тел: (99871) 230-12-91. факс (99871) 230-12-92.

Диссертация автореферати 2022 йил «14» февраль кuni тарқатилди.
(2022 йил «14» февраль да 4 рақамли реестр баённомаси).



Л. Т. Ахмедова
Илмий раҳбарлар берувчи Илмий кенгаш
раиси, филол.ф.д., профессор

Х. Б. Самигова
Илмий раҳбарлар берувчи Илмий кенгаш
котиби, филол.ф.д., доцент

Ж. А. Якубов
Илмий раҳбарлар берувчи Илмий кенгаши
қошидаги Илмий семинар раиси, филол.ф.д.,
профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё тилшунослигида маданиятни нафақат янги лингвистик фанлар кесимидаги фан сифатида, балки феномен сифатида ўрганилмоқда. Турли тизимли тилларида лексик бирлик ва сўз бирикмаларининг ноэквивалентлиги миллий-маданий хусусиятлар орқали акс этирилиши билан бирга, назарий ва амалий таржима муаммоларининг синтактик ва грамматик жиҳатларини очиб бериш масалалари бугунги кунда ўз ечимини кутмоқда. Оламнинг лисоний тасвири, миллий ўзига хослик, миллий-маданий билимлар парадигмасини диахрон ва синхрон аспектларда очиб бериш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жаҳон тилшунослигида замонавий илмий парадигма лексик бирлик ва сўз бирикмаларининг оламнинг концептуаллашувидаги имкониятига бағишланган ишлар кўлами ортиб бормоқда. Муайян бир тилни тиллараро қиёсий ўрганиш концептлар таржимасидаги прагматик омиллар ролини аниқлаши яққол кўрсатилмоқда. Таржиманинг лингвомаданий жиҳатлари ва унинг ноэквивалентлик – феномен сифатида ўзига хос жиҳатларини тадқиқ этиш орқали адекват таржимага эришиш долзарблик касб этмоқда.

Мамлакатимизда ҳозирги замон таржимашунослигининг умуминсоний кадриятлар феномени сифатида ўрганиш, унинг инсон, тил ва матн имкониятларини англаган ҳолда адекват таржималарини яратиш муаммолари кенг тадқиқ этилмоқда. Бугунги глобаллашув даврида чет тилларни ўрганиш тизимини, фан ва таълимни амалиёт билан узвий интеграцияси жараёнларини такомиллаштиришнинг муҳим омили сифатида қаралиши «нафақат ёшлар, балки бутун жамиятимиз аъзоларининг билими, савиясини ошириш учун аввало илм-маърифат, юксак маънавият керак»¹лиги, халқимизнинг маънавий кадриятини ифодаловчи Юсуф хос Ҳожибнинг «Қутадғу Билиг» асарида қўлланган лингвокультуремалари орқали кўрсатиб бериш, ўзбек-рус-инглиз тили билан қиёсий-чоғиштира тадқиқ этиш заруратини белгилайди.

Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрдаги 637-сонли «Таълим тўғрисида»ги, 2019 йил 29 октябрдаги 576-сонли «Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида»ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармонлари, 2012 йил 10 декабрдаги ПҚ-1875-сонли «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сонли «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 24.01.2020 й. электрон манзил: <https://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkatmirziyeevning-oliy-25-01-2020>.

оширилаётган кенг камровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида», 2021 йил 19 майдаги ПҚ-5117-сонли «Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ва соҳага доир бошқа норматив-меъёрий ҳужжатларда кўрсатилган вазифаларни бажаришга қаратилган.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Лингвомаданиятшунослик муаммолари ҳозирги кунда Д.У. Ашурова, М.Р. Галиева, Н.М. Джусупов, А.А. Абдуазизов, Р.У. Маджидова, Д. Худайберганова, М. Хайдеггер, А. Бергсон, Н.Д. Арутюнова, А. Вежбицкая, Е.С. Кубрякова, В.Н. Телия, В.А. Маслова² каби олимларнинг илмий ишларида кенг ва чуқур тадқиқ қилинмоқда ва ушбу ишлар асосан коцептни, лингвокультуремани, инсоннинг ментал фаолиятини баҳолашни ўрганишга бағишланган.

Шарқ лексикаси муаммолари И.У. Асфандияров³ тадқиқотларида, Г.В. Чернов, С. Влахов, С. Флорин, А.А. Реформатский, Л.Н. Соболев, Л.С. Бархударов, В.М. Россельс, Л.И. Сапогова, Г.Д. Томахин, Д.У. Хошимова, Д.Р. Джуманова⁴ ишларида реалиялар, ноэквивалент лексика, лакуналар ўрганилган.

² Ашурова Д.У. Стилистика текста в парадигме когнитивной лингвистики // Филология масалалари. 2003. № 1. – С. 41-45; Ашурова Д.У. Лексикон как отражение национально-культурной специфики языка // Язык и культура / 2-я межд. науч. конф. – М., 2003. – С. 76-81; Галиева М.Р. Отражение мифолого-религиозного сознания в языковой картине мира. Автореф. дисс. ... докт. филол. наук. – Фергана, 2019. – 78 с.; Джусупов Н.М. Тюркский символ в художественном тексте (лингвокогнитивный аспект). – Астана: Сарыарка, 2011. – 218 с.; Абдуазизов А.А. Матн – когнитив фаолият маҳсули // Тил тараққийнинг деривацион қонуниятлари: Республика илмий-назарий конференцияси материаллари. – Самарқанд: СамДЧТИ нашри, 2009. – С. 23; Маджидова Р.У. Антропоцентрические пословицы: семантика и лингвостатистика (на материале узбекского и русского языков): Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Т., 2008. – 25 с.; Худайберганова Д. Ўзбек тилидаги бадий матнларнинг антропоцентрик талқини: Филол. Фан. д-ри. ... дисс. автореф. – Т., 2015. – 12 б.; Хайдеггер М. Основные понятия метафизики // Время и бытие. – М., 1993. – С. 251-252; Бергсон А. Собрание сочинений. Т. 1. – М., 1999. – 336 с.; Арутюнова Н.Д. Язык и мир человека. – М.: Языки русской культуры, 1998. – 896 с.; Вежбицкая А. Язык. Культура. Познание. – М.: Русские словари, 1996. – 416 с.; Кубрякова Е.С. В поисках сущности языка: Когнитивные исследования. Ин-т. языкознания РАН. – М.: Знак, 2012. – 208 с.; Телия В.Н. Русская фразеология. Семантический, прагматический и лингвокультурологический аспекты. – М.: Школа «Языки русской культуры», 1996. – 288 с.; Маслова В.А. Когнитивная лингвистика. – Минск: ТетраСистемс, 2004. – 266 с.

³ Асфандияров И.У. Восточная лексика в русском языке. Ин-т политологии и управления. – Т.: Фан, 1991. – 121 с.

⁴ Чернов Г.В. Основы синхронного перевода. – М.: Высшая школа, 1987. – 255 с.; Влахов С., Флорин С. Непереводимое в переводе. – М.: Высшая школа, 1986. – 416 с.; Реформатский А.А. Введение в языковедение. – М., 1947. – 544 с.; Соболев Л.Н. О переводе образа образом // Вопросы художественного перевода. – М., 1955. – С. 290; Бархударов Л.С. Язык и перевод. Вопросы общей и частной теории перевода. – М.: Международные отношения, 1975. – 238 с.; Россельс В.М. Перевод и национальное своеобразие подлинника // Вопросы художественного перевода. – М.: Советский писатель, 1955. – С. 169; Сапогова Л.И. Реалии: фактор времени // Вопросы лингвистической семантики. – Тула, 1979. – 394 с.; Томахин Г.Д. Реалии – американизмы. Пособие по страноведению. – М.: Высшая школа, 1988. – 239 с.; Хашимова Д.У. Национально-культурная специфика соматических фразеологизмов и соматических речений как объект лингвокультурологии. Монография /

Ҳозирги вақтда маданиятлараро мулоқот асосидаги таржимада сўзларнинг эквивалентлик муаммоларига бағишланган бир қатор ишлар амалга оширилган.

В. Ричард, С. Бринкледж, К. Дэвид, Н.А. Дударева, О.В. Максютинна, А. Биби, М. Рессуррессио, Д. Вишняускене, Л.К. Латышев⁵ каби олимлар таржима маданияти ва таржима компетенциясини таҳлил қилганлар. Ўзбекистонда Ғ. Саломов, Қ. Мусаев, К. Сидиқов⁶ каби олимлар ўз эътиборини таржима масалаларига қаратдилар, улар чоғиштирма таржимашунослик, таржиманинг ривожланиш мезонлари соҳасида фундаментал тадқиқотларни амалга оширмоқдалар. Ғ. Саломовнинг⁷ асарлари билингвизм ва кўптиллилик, оригинал тилдаги бадий асарлар, халқнинг маънавий ва маданий ҳаёти ҳақидаги асарлардаги сўзма-сўз таржима қилинган матн ва таржима масалаларига бағишланган.

XX асрнинг 2-ярмида чоғиштирма лингвистика лингвоконтрастив таҳлил асосида интенсиф равишда, назарий ва амалий мақсадларда славян тилларини (энг аввало рус тилини) ва турк тилларини (ўзбек, қозоқ, татар ва б.) тадқиқ қилиш ривожалана бошлади, булар А.А. Реформатский, В.В. Решетов, Н.М. Джусупов, Э.Д. Сулеймонова, И.М. Тухтасинов⁸ каби олимларнинг асарларида ўз аксини топди.

Таъкидлаш лозимки, Юсуф хос Ҳожибнинг асарлари З. Содиков, С.Е. Малов, В.В. Бартольд, Р.Р. Арат, К. Содиков, А.И. Нарынбаев, Ш.И. Гадимова⁹ каби олимларнинг ишларида деярли тўлиқ равишда ўрганилган.

Отв. редактор доц. И.Р. Мирзаева. – Т.: Изд-во ТГЮИ, 2010. – С. 78. Джуманова Д.Р. Фонологическая модель слова в условиях контактирования. Автореф. дисс. ... докт. филол. наук. – Т., 2016. – 87 с.

⁵ Watts Richard. Translating culture: reading the paratexts. – № 13 (2). TTR, 2000. – P. 29-46; Brinklex C. Mark. Translator's fears. Disrup. Vital lines of communication. Army Times. 8. December. 2004. – 160 p.; Katan David. Translating cultures. – Manchester: St. Jerome, 2004. Publishing 2nd. – 271 p.; Дударева Н.А. Переводчик в сфере профессиональной коммуникации и тотальное управление качеством. – М.: Флинта: Наука, 2003. – 148 с.; Максютинна О.В. Педагогическая оценка переводческой компетенции // Вестник ТГПУ, 2009. № 10. – С. 44-48; Beeby A., Ensinger D. PACTE Acquiring translation competence: Hypotheses and methodical problems in a research project. Barcelona, 2000. – P. 99-106; Montalt Ressorrecció V., Ezpeleta Piorno P., García Izquierdo I. The Acquisition of translation competence // The Translation, 2008. N 4, V. 12. Электрон. ресурс: Дата обращения: 17.06.2017; Вишняускене Д., Лечицкая Ж. Концепция формирования переводческой компетенции при обучении переводу технической литературы // Studies about Languages. – М., 2009. № 15. – С. 28-34; Латышев Л.К. Базовые составляющие переводческой компетенции // Сборник статей М-ва промышленности, науки и технологий РФ, РАН. – М.: Всерос. центр переводов, 2003. – С. 19-27.

⁶ Саломов Г. Тил ва таржима. – Т.: Фан, 1966. – 384 б.; Мусаев К. Таржима назарияси асослари. – Т.: Фан, 2005. – 352 б.; Сидиқов К. Кутадғу Билиг турткиларининг инглизча бадий таржима хусусиятлари. – Т.: Вауоз, 2014. – 128 б.

⁷ Саломов Ғ. Тил ва таржима. – Т.: Фан, 1966. – 384 б.

⁸ Реформатский А.А. Введение в языковедение: Учебник для вузов. – М., 1947. – 544 с.; Решетов В.В. Основы фонетики и грамматики узбекского языка. 2-е изд. – Т.: Укитувчи, 1965. – 243 с.; Джусупов Н.М. Тюркский символ в художественном тексте (лингвокогнитивный аспект). – Астана: Издательство «Сарыарка», 2011. – 218 с.; Сулеймонова Э.Д. Казахский и русский языки: основы контрастивной лингвистики. – 2-е изд. – Алматы: Демееу, 1996. – 208 с.; Тухтасинов И.М. Таржимонлар тайёрлашда касбий компетенцияларини шакллантириш ва ривожлантириш. Монография. – Тошкент: Турон Иқбол, 2018. – 160 б.

⁹ Содиков З. «Кутадғу Билиг» таржималарининг қиёсий-типологик таҳлили. – Т.: Фан, 2007. – 176 б.; Содиков З., Малов С.Е. Памятники древнетюркской письменности. Тексты и исследования // М.-Л.: 1951. – 451 с.; Бартольд В.В. Сочинения, т. V. – 367 с.; <https://books.google.co.uz/books?id=KWX1DQAAQBAJ&pg>; Арат Р.Р. Kutadgu Bilig. – Ankara: Türk Dil Kurumu, 1979. Т. 1. – 656 с.; Садыков К. Языковые особенности «Кутадғу Билиг»:

«Қутадғу Билиг» ҳақида кўплаб асарлар ёзилган. Туркшунослар ушбу поэмани ҳам адабий, ҳам лингвистик материал сифатида тадқиқ қиладилар. «Қутадғу Билиг» поэмаси Ғарб дунёсида австриялик шарқшунос олим фон Хаммер-Пургшталь орқали маълум бўлди. Ушбу кўлэзма Хаммер-Пургшталь кўлига 1796 йилда Стамбулда тушиб қолган ва кейинчалик Вена кутубхонасига у томонидан тухфа қилинган.

«Қутадғу Билиг» асарини тадқиқ қилишга Б. Тўхлиев, К. Садыков, К. Сидиков¹⁰лар катта ҳисса қўшганлар. Лекин Юсуф хос Ҳожибнинг ушбу асарининг инглиз ва рус тилларидаги таржималарида ноэквивалент лексиканинг лингвомаданий жиҳатлари ҳозирги кунга қадар махсус равишда тадқиқ қилинмаган ва тадқиқот ишимизнинг **долзарблигини** белгилайди.

Таъкидлаш жоизки, биз ушбу диссертация ишимизда мазкур асарнинг икки вариантдаги таржимасидан, яъни Роберт Данкоффнинг¹¹ инглиз тилидаги таржимаси ва С.Н. Ивановнинг¹² рус тилидаги таржимасидан фойдаландик. Манба сифатида Қ. Каримовнинг¹³ ўзбек тилига ўзбек фонетикаси асосида қилинган таржимаси олинди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ И-204-4-5 рақамли «Докторантлар, мустақил изланувчилар ва талабалар ўртасида олиб борилаётган илмий-тадқиқот, илмий-ижодий ишлар» илмий лойиҳасининг «Таржима муаммолари» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Юсуф хос Ҳожибнинг «Қутадғу Билиг» асарининг инглиз ва рус тилларидаги таржимасида эквивалент бўлмаган лексиканинг линвомаданий жиҳатларини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

лингвомаданиятшунослик, ноэквивалент лексика ва таржима муаммоларига доир мавжуд бўлган илмий адабиётларни таҳлил қилиш;

тил, таржима ва маданият ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш ва таржима назариясидаги лингвомаданий жиҳатларини кўрсатиб бериш;

«Қутадғу Билиг» асарининг инглиз ва рус тилидаги таржималаридаги эквивалент бўлмаган лексикани аниқлаш, тавсифлаш ва таснифлаш;

Автореф. дисс. ... доктора филол.наук. – Т.: 1987. – 26 с.; Нарынбаев А.И. Избранные произведения. Бишкек: 2004. – 128 с.; Гадимова Ш.И. У истоков турецкой письменной светской литературы «Диван»: «Қутадғу Билиг» Юсуфа Баласағуни // Молодой ученый. Т. 1. 2011. № 2.

¹⁰ Тухлиев Б. Вопросы поэтики «Қутадғу Билиг» Юсуфа Хас Хаджиба. – Т.: Аср-матбуот, 2004. – 214 с.; Садыков К. Языковые особенности «Қутадғу Билиг»: Автореф. дисс. ... докт. филол.наук. – Т., 1987. – 26 с.; Сидиков Қ. «Қутадғу Билиг»даги хос сўзларни таржима қилиш муаммолари // Тил ва адабиёт таълимида янги педагогик технологиялар. II қисм. Республика илмий-амалий анжумани материаллари. – Т., 2006. – Б. 73-76; Sidikov K. Composition and semantic equality in translation. Scientific Bulletin of Namangan State University: Vol. 1: Iss. 1, Article 26, 2019.

¹¹ Yusuf Khass Hajib. Wisdom of Royal Glory // Translated, with an Introduction and Notes, by Robert Dankoff. Chicago and London. The University of Chicago Press, 1983. – 281 p.

¹² Юсуф Хас Хаджиб Баласағуни. Благодатное знание // Перевод С.Н. Иванова. – М.: Наука, 1983. – 560 с.

¹³ Юсуф Хос Хаджиб. Қутадғу Билиг. Саодатга йўловчи билим // Перевод Қ. Каримова. – Т.: Фан, 1971. – 956 с.

«Қутадғу Билиг» асарининг инглиз ва рус тилидаги таржималаридаги ноэквивалент лексиканинг табиатини ва маданий жиҳатдан ўзига хос лексикани таржима қилишдаги хусусиятларини кўрсатиб бериш;

«Қутадғу Билиг» асарининг инглиз ва рус тилидаги таржималаридаги ноэквивалент лексиканинг табиатини ва таржимасини яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Юсуф хос Ҳожибнинг «Қутадғу Билиг» асаридаги ноэквивалент лексика танланган.

Тадқиқотнинг предметини Юсуф хос Ҳожибнинг «Қутадғу Билиг» асарининг инглиз тилига Р. Данкофф томонидан амалга оширилган таржимаси ва С.Н. Иванов томонидан рус тилига қилинган таржималаридаги ноэквивалент лексиканинг лингвомаданий жиҳатлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мавзусини ёритишда қиёсий-типологик (чоғиштирма), лингвистик тасвирлаш, лингвокультурологик таҳлил, ялпи танлов ва лексемаларни идентификация қилиш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

«Қутадғу Билиг» асарининг русча ва инглизча таржимасидаги лингвомаданиятшуносликка оид лексик бирлик ва сўз бирикмаларини таржима трансформацияси орқали шакл ва мазмун компонентларини ўзгартиришда транскрипция ва транслитерация усулларининг самарадорлиги аниқланган;

«Қутадғу Билиг» асарининг инглиз ва рус таржималаридаги ноэквивалент лексика орқали маданий маркерланган лексемаларни таржима қилишдаги қийинчиликлар ушбу лексемаларни рус ва инглиз тилидаги матнларда тўлиқ таржима тилида ёки тўлиқ ассимиляция қилинмагунга қадар юзага келадиган тахминий транскрипцияда намоён бўлиши далилланган;

эквиваленти бўлмаган лексикани лакуна, экзотизм ва варваризмлар билан тенглашишини аниқлаш орқали миллий-маданий маркерланган лексиканинг ноэквивалентлиги камида икки тил доирасида (рус ва ўзбек тиллари ёки инглиз ва ўзбек тиллари), камдан кам ҳолларда уч тилли мисоллар доирасида (рус – инглиз – ўзбек тилларида) акс этиши исботланган;

таржимани ўзга тил муҳитида сўз санъатининг мустақил асари сифатида тушуниш ортида унинг яратувчиси бўлган таржимон услубига оид таржима муаммоларини «ўзиники» ва «ўзганики» каби тушунчалар тўқнашган нуқтада бартараф этишга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот ишининг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Юсуф хос Ҳожибнинг «Қутадғу Билиг» асарининг инглиз ва рус тилига таржималаридаги эквиваленти бўлмаган лексемаларнинг лингвомаданий хусусиятлари аниқланган;

оламнинг миллий ўзига хослигини тушуниш, урф-одат, анъаналарга хос универсал ва хусусий тавсифлари мос келиши асослаб берилган;

Юсуф хос Ҳожибнинг «Қутадғу Билиг» асарининг миллий-маданий хусусиятларини ўрганиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотда қўлланилган усуллар, асос қилиб олинган илмий-назарий қарашлар, таҳлил қилинган

материалларнинг катта ҳажми, қўлланилган ёндашув усуллари, келтирилган таҳлил, хулоса, тақлиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Юсуф хос Ҳожибнинг «Қутадғу Билиг» асарининг инглиз ва рус тилига таржималаридаги эквиваленти бўлмаган лексиканинг лингвомаданий жиҳатларини тавсифланиши, таърифланиши ва тадқиқ қилинганлиги билан исботланади. Диссертациянинг хулоса ва натижалари лексик бирликларнинг бошқа гуруҳларини тадқиқ қилиш жараёнида илмий-назарий манба сифатида хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тадқиқот хулоса ва натижаларидан олий таълим тизимида инглиз ва рус тилларини, тил назарияси, чоғиштира лингвистика, лексикология, таржима назарияси ва амалиёти, стилистика фанларини ўқитиш жараёнида, дарсликлар, ўқув қўлланмалар, диссертация ишлари, луғатлар тузишда ва кўрсатиб ўтилган фанлар бўйича ўқув дастурларини тайёрлашда амалий манба вазифасини бажариш имконияти билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тадқиқот давомида олинган илмий натижалар асосида:

Юсуф хос Ҳожибнинг «Қутадғу Билиг» асарининг инглиз ва рус тилига таржималаридаги миллий-маданий ўзига хосликларни ифодаловчи лексик бирликларнинг лингвомаданий жиҳатларини қиёсий, чоғиштира таҳлил этиш орқали ва тадқиқот асосида таржима усуллари кўп қўлланган жиҳатларига оид илмий-назарий хулосалардан № ОТ-Ф1-53 «Таржима назарияси ва амалиёти факультети учун “Translation in Use” дарслигини яратиш ва нашр қилиш» мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида фойдаланилган (Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг 2021 йил 9 апрелдаги 04/309-сон маълумотномаси). Натижада жорий қилинган материаллар ноэквивалент лексиканинг лингвомаданий ўзига хослигини таржимада очиқ беришга хизмат қилган;

Юсуф хос Ҳожибнинг «Қутадғу Билиг» асарининг инглиз ва рус тилларидаги таржималари, лингвокультуремалар ҳамда миллий-маданий хусусиятларни акс эттирувчи лексик бирликларга доир илмий-назарий хулосалардан ИТД-1 рақамли «Маданиятлараро ва коммуникатив ёндашув нигоҳида магистратура мутахассислиги (инглиз тили) бўйича назарий фанлардан инглиз тилида қўлланмалар яратиш ва ўзбекча-инглизча-русча лингвистик терминлар луғатини тузиш» мавзусидаги амалий лойиҳаси доирасида фойдаланилган (Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг 2021 йил 18 сентябрдаги 24-700-сон маълумотномаси). Натижада ушбу амалий лойиҳа доирасида яратилган дарслик ва ўқув қўлланма лингвокультуремалар ва миллий-маданий хусусиятларни акс эттирувчи лексик бирликларга оид илмий далиллар билан бойитилган;

Юсуф хос Ҳожибнинг «Қутадғу Билиг» асаридаги лингвокультуремаларни аниқланиши ва таърифланиши, уларни инглиз ва рус

тилларидаги таржимасида миллий-маданий ўзига хосликка оид илмий-амалий хулосалардан Ёзувчилар Уюшмасининг халқаро адабий алоқалар ва бадиий таржима бўлими таржимонлари учун мўлжалланган тренингининг ташкилий қисмида кенг фойдаланилган (Ёзувчилар Уюшмасининг 2021 йил 8 апрелдаги 01-03/507-сон маълумотномаси). Натижада тақдим этилган материаллар ёш таржимонларнинг «Қутадғу Билиг» асарининг инглиз ва рус тилига таржималаридаги эквивалентлик, альтернативлик ва тавсифий усуллари орқали қўлланилиши ҳақида тажрибасини оширишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 6 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 22 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертация асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, улардан, 2 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган бўлиб, ишнинг умумий ҳажми 144 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ


Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, ишнинг илмий янгилиги баён қилинган. Тадқиқотнинг назарий ва амалий аҳамияти масалалари ёритилган.

Диссертациянинг «**Лингвистикада лингвокультурема ва матн тушунчаси**» деб номланган биринчи бобида лингвомаданиятшуносликда оламнинг лисоний тасвири, лингвокультурема, нозквивалент лексика юзасидан олиб борилган илмий изланишлар баён этилган, ҳамда матн тил ва маданиятнинг кўзгуси сифатида ёритилган.

XX аср якунида олимлар илм-фанда тил ва унинг тавсифи, структуравий хусусиятлари ҳақида кўплаб илмий-тадқиқот ишларни амалга оширилган, лекин тил маданияти ҳақида етарли илмий тадқиқотлар олиб борилмаганлигини таъкидлайдилар. Аммо кўпгина ҳолларда инсон атроф-олам билан эмас, балки унинг онгида қайта ифодаланишини кўради, яъни оламни тил ва маданият ифодаси орқали тасаввур қилади. Тил ва маданиятнинг ўзаро боғликлигини тадқиқ этиш муаммоси янги, асосий муаммолардан биридир. Маданиятни нафақат янги лингвистик фанлар кесимдаги фан сифатида, балки у феномен сифатида ўрганилмоқдаки, «унинг сирларини, яъни инсон, тил ва матн сирларини билмасдан уни тушуниб бўлмайди»¹⁴. Шу муносабат билан, XX аср ниҳоясида лингвистикада тил маданият билан боғлиқ, у билан бирга ривожланади ва уни ифодалайди

¹⁴ Маслова В.А. Лингвокультурология. – М., 2001. – С. 28.

деган фикрлар вужудга келди¹⁵. Лингвомаданият-шуносликнинг муҳим тушунчалари деб оламнинг лисоний тасвири, лисоний шахс, лингвокультурема ва концепт тушунчаларини ҳисоблаш мумкин (1-расмга қаранг).



1-расм. Лингвомаданиятшуносликнинг асосий тушунчалари

«Ноэквивалент лексика» термини кўплаб муаллифлар асарларида учрайди ва улар бу терминни турлича таърифлайдилар, масалан: ноэквивалент лексика – релияларнинг синоними, сўзлардан кўра маъноси кенг бўлган бирликлар, «бошқа маданият ва бошқа тилда мавжуд бўлмаган бирликлар, «шундай сўзларки, уларни мазмун борасида ҳеч бир бошқа тиллардаги лексик бирликлар билан чоғиштириб бўлмайди» ва бошқа тилга таржима қилиб бўлмайдиган сўзлар¹⁶ дир. Ноэквивалент лексика ўзининг кўп қўлланилишига кўра нутқда тез-тез қўлланилиши ва лексикографияси шаклланиши ҳам мумкин, лекин уларнинг орасида жуда ҳам кам ёки бир марта қўлланадиган лексемалар ҳам мавжудки, уларга доим ҳам «изоҳловчи таъриф» берилмаган. Асл сўзга нисбат берган ҳолда репрезентация қилинаётган сўзни тўғри талаффуз қилиш муҳим аҳамиятга эга. Ноэквивалент лексика бир маъноли ва максимал даражада аниқ, чунки улар ёрдамида ҳаёт тарзи, урф-одатлар, халқларнинг тарихи берилади ва

¹⁵ Маслова В.А. Лингвокультурология. – М., 2001. – С. 9; Васильева Г.М. Национально-культурная специфика семантических неологизмов: лингвокультурологические основы описания. – СПб, 2001. – С. 5.

¹⁶ Будагов Р.А. Язык, история и современность. – М.: Изд-во МГУ, 1971. – С. 121.

мамлактнинг миллий-тарихий колорити акс эттирилади. Масалан: *dua* – *дуо* – *дуа*¹⁷.

Мазмун борасида ноэквивалент сўзларнинг ўзига хослиги шундаки, уларнинг денотатив мазмуни тавсифли, натижада ушбу сўзлар муайян миллий ёки тарихий колорит, яъни бўёқдорликка эга, шу тариқа денотат бирор-бир халққа, муайян мамлакатга, аниқ бир тарихий даврга тегишли бўлади¹⁸.

Бизнингча, исмларни, атоқли отларни, турли онимларни ҳам ноэквивалент лексикага киритиш лозим, чунки «гапирадиган», ёки «англатадиган» исмлар ҳам мавжудки, исмлар хусусий воқелик ва ҳеч бир диалог (ҳаттоки монолог ҳам) антропонимларсиз мавжуд бўла олмайди, масалан: *Одгурмыш*, *Айтолды*, *Кюнтоғды*, *Огдюльмиш*. Ноэквивалент лексиканинг алоҳида гуруҳини мурожатлар ташкил қилади ва алоҳида тарзда таржима қилишни талаб қилади (қиёсланг: *О Элик* – *O glorius king* – *Эй элиг* – инглиз тилида сўзма-сўз таржима қилинган ва миллий колорит йўқотилган).

Ноэквивалент лексикага уч турдаги лексик бирликларни киритиш лозим¹⁹: 1) исмлар, географик номлар, муассаса, ташкилот, газета номлари в.х. Нафақат номаълум бўлган исм ва фамилиялар, балки ички шаклига эга бўлган, яъни «гапирадиган» исмлар: *Ўгдулмуш* – *Highly Praised* (сўзма-сўз: *Мақтовларга сазовор, энг буюк*); 2) реалиялар, яъни предметларни, тушунчалар ва вазиятларни ифодаловчи сўзлар, улар бошқа тилда сўзлашувчи одамларнинг амалий тажрибасида қўлланилмайди. Масалан, миллий таомларнинг номланиши, халқнинг кийим-кечаклари, умуман олганда маданиятнинг моддий ва маънавий бойликлари: *плов* – *ош* – *pilaf*; 3) «тасодифий лакуналар» бир тилдаги лексик бирликлар ва улар бошқа тилларда мавжуд эмас.

Ноэквивалент лексиканинг мавзуий белгилари асосида тузилган яна бошқа таснифлари ҳам мавжуд²⁰. Тадқиқотимиз жараёнида матннинг мақоми, унга берилган таърифлар масаласини таъкидлашимиз жоиз, чунки матн турли тадқиқотчилар: И.В. Арнольд, В.В. Красных, А.А. Брудный, И.Р. Гальперин, А.И. Новикова, Ю.М. Лотман²¹ томонидан турлича таърифланади. Бизнинг тадқиқотимиз учун Д.У. Ашурованинг бадий матнда лингвокультурологик аспектни ўрганиш муаммолари ҳақида илмий ишлар алоҳида аҳамиятга эга. Олимнинг сўзларига кўра, матнни талқин этиш маданиятнинг талқини билан

¹⁷ Исаева Ш.М. Специфика передачи безэквивалентной лексики // Наука и общество. – Нукус: НМПИ, 2020. Выпуск 3. – С. 58.

¹⁸ Теория перевода и сопоставительный анализ языков / Под ред. Э.М. Медниковой. – М.: МГУ, 1985. – С. 21.

¹⁹ Бархударов Л.С. Язык и перевод. Вопросы общей и частной теории перевода. – М.: Международные отношения, 1975. – С. 122.

²⁰ Реформатский А.А. Введение в языковедение. – М.: Аспект пресс, 1996. – 275 с.; Асфандияров И.У. Восточная лексика в русском языке. – Т.: Фан, 1991. – 122 с.; Хашимова Д.У. Проблемы сопоставительного исследования лакун в разносистемных языках. Монография / Отв. редактор: доц. И.Р. Мирзаева. – Т.: Изд-во ТГЮИ, 2008. – 104 с.; Джуманова Д.Р. Фонологический аспект слова: научные традиции и современные концепции (монография). – Т.: Fan va technology, 2013.

²¹ Арнольд И.В. Основы научных исследований в лингвистике. – М.: Высшая школа, 1991. – 140 с.; Красных В.В. Этнопсихоллингвистика и лингвокультурология: Курс лекций. – М.: ИТДГК «Гнозис», 2002. – 284 с.; Брудный А.А. Психологическая герменевтика. М.: Лабиринт, 2005. – 336 с.; Гальперин И.Р. Текст как объект лингвистического исследования. М.: URSS, 2007. – 148 с.; Новикова Н.С., Черемисина Н.В. Картина мира и многомирие в языке и поэтическом тексте // Русская словесность. 2000. № 1. – 286 с.; Лотман Ю.М. Чему учатся люди: статьи и заметки. М.: Центр Книги Рудомино, 2010. – 416 с.

бевосита боғлиқ, чунки объектив ва субъектив, мантикий ва ҳиссий компонентлар мавжуд. Бадий матннинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиб, Д.У.Ашурова²² матнлар тарих, этнография ва миллий психология хақида маълумот тўплашини айтиб ўтади. Бошқача айтганда, бадий матнда миллатнинг миллий маданияти, миллий менталитети ва маънавий бойлиги мужассам. Д.У.Ашурованинг фикрига тўлиқ қўшиламыз ва бадий матн миллий маданиятнинг асосий ва энг муҳим манбаи бўлиб, у ёки бу этник гуруҳ маданиятининг барча элементларини ўзлаштиришига ишонамыз.

Матн ўзга маданиятни тушунишга ёрдам беради, шунга мувофиқ, матн бизнинг ушбу тадқиқотимиз учун муҳим аҳамиятга эга, чунки Юсуф хос Ҳожибнинг «Қутадғу Билиг» асарининг инглиз ва рус тилларига ўгирилиши турк халқларининг маданиятини тушунишга ёрдам беради.

Ушбу фикрга кўра матн лингвистик нуқтаи назаридан тадқиқ қилиниши мумкин ва бу ҳолатда матн тузилишида барча грамматик қоидаларга риоя қилинади, матн объектив оламнинг субъектив равишдаги акси сифатида қаралади ва матн оламнинг индивидуал равишдаги лисоний тасвири деб қабул қилинади.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Матн ва миллий ўзига хос лексикани таржима қилиш муаммолари**» деб номланади. Бу бобда таржиманинг лингвистик жиҳатдан қийинчиликларини ёритишга ҳаракат қилдик, ноэквивалент лексиканинг чет тилига ўгириш усуллари таҳлил қилинади.

Тил лингвистиканинг фундаментал тушунчаларидан бири ҳисобланади, тил – бу инсонларнинг мулоқот воситаси, жумлаларни шакллантириш ва фикрни етказиш воситаси, бу бир неча бирликларни тўплаш ва уларни қўллаш қоидаси, яъни комбинациялаш демакдир²³. Инсонлар ўртасида тил ва мулоқотларининг чамбарчас боғлиқлиги мавжуд. Фикрни турли тилларда ифодалаш учун таржимага муҳим аҳамият берилади, у тиллараро воситачи ролини бажаради²⁴, унинг ёрдамида чет тиллардаги оригинал матннинг мазмуни иккинчи тилда коммуникатив жиҳатдан тенг бўлган матн яратилади. Бир тилда яратилган асар бошқа тилда такрорланадиган адабий фаолиятнинг бир тури бўлган бадий таржима сифатида алоҳида ўрин тутаяди. Шу билан бирга, бадий матн таржимасининг ўзига хос хусусияти унинг асл манба билан ўзаро боғлиқлиги ва мутаносиблигидадир²⁵.

Таржимонлар томонидан бир тилдан иккинчи тилга матнни ўгиришидаги юзага келадиган муаммоларни кўриб чиқамиз (2-расмга қаранг).

²² Ashurova D.U. Text linguistics. – Т.: Taffakur qanoti. 2012. – С. 117.

²³ Левицкий Ю.А. Общее языкознание: Учеб. пособие. – Пермь: Пермский университет, 2004. – 296 с.

²⁴ Комиссаров В.Н. Теория перевода (лингвистические аспекты). – М.: Высшая школа, 1990. – С. 248.

²⁵ Солодуб Ю.П., Альбрехт Ф.Б., Кузнецов А.Ю. Теория и практика художественного перевода. // – М.: Академия, 2005. – 304 с.

<p>Семантик муаммолар</p>	<ul style="list-style-type: none"> • категориялашувдаги фарқлар • имплицит категориялар • таржимоннинг ёлгончи дўстлари • синтагматик бириқув • идиомалар, мақоллар таржимаси • ноэквивалент лексика таржимаси
<p>Грамматик муаммолар</p>	<ul style="list-style-type: none"> • нутқ қисмларидаги морфологик фарқлар • тилнинг синтактик тури • гаплардаги сўз тартиби • тилнинг синтактик қурилиши
<p>Прагматик муаммолар</p>	<ul style="list-style-type: none"> • метафораларнинг таржимаси • идиома ва мақолларнинг таржимаси • стилнинг ўзига хослиги • парадокслар, ҳисоблар, вақт, макон таржимасидаги фарқлар
<p>Экстралингвистик муаммолар</p>	<ul style="list-style-type: none"> • ноэквивалент лексиканинг мавжудлиги • диний байрам ва маросимлардаги фарқлар • анъаналар, урф-одатлар, оилавий турмуш тарзидаги фарқлар ва маиший тафовутлар • ижтимоий ва моддий тафовутлар

2-расм. Таржиманинг асосий муаммолари

Лисоний структурани ташкил қилиш билан боғлиқ бўлган тиллардаги тафовутлар орасида грамматик тафовутлар ҳам мавжуд. Масалан, инглиз тилидаги аниқ ва ноаниқ артикллар, уларнинг рус ва ўзбек тилларида мавжуд эмаслиги, инглиз тилидаги *you* олмоши *сен* ва *сиз* ни билдиради, ўзбек ва рус тилларида бунинг учун алоҳида бирликлар қўлланилади, яъни: *ты (сен)* и *вы (сиз)*; инглиз тилидаги *your* – *сеники* ва *сизники* деб таржима қилинади, рус ва ўзбек тилларида эса тафовутлар кузатилади – *твой (сеники)* и *ваш (сизники)*, лекин рус тилида, инглиз ва ўзбек тилидан фарқ қилган ҳолда, род категорияси муҳим аҳамият касб этади²⁶, масалан: 4700 Что пользы? Для всех – в лоне смерти уют: / Умрешь – на *тебя* две холстины навьют! / И что суетиться так – греться и стыть, / Двум целям и служит-то вся *твоя* прыть²⁷. – To what end? Finally *you* must die, and all that will be left *you* are two pieces of cloth. So much suffering of heat and cold is only for these two desires, O manly Muslim: first to make yourself big with the wealth of the world, second to have *your* word hold sway in the realm²⁸. – 4596 Охири ўзинг ўладиган бўлгач, у (лар)ни нима фойдаси бор, / *Сенга* икки (парча) бўздан бошқа тегадигани йўқ(ку). /

²⁶ Исаева Ш.М. Семантические проблемы перевода текстов // Международная научно-практическая конференция / Филология: от теории к практике. – Нукус: НМПИ, 2021. – С. 133.

²⁷ Бу ерда ва кейинчалик ҳам асардан рус тилидаги мисоллар келтирилади: Юсуф Хас Хаджиб Баласағуни. Благодатное знание // Перевод С.Н. Иванова. – М.: Наука, 1983. – 560 с.

²⁸ Бу ерда ва кейинчалик ҳам асардан инглиз тилидаги мисоллар келтирилади: Yusuf Khass Hajib. Wisdom of Royal Glory // Translated, with an Introduction and Notes, by Robert Dankoff. Chicago and London. The University of Chicago Press, 1983. – 281 p.

Бунчалик исимоқлик ва совумоқликнинг [яъни ўзни ўтга-сувга / урмоқликнинг] (боиси) нима? / Икки тилак бўлди, эй мард мусулмон²⁹.

Таржиманинг стилистик муаммолари тилнинг синтактик тури ва лексик бирикмалар ҳосил қилинишига кўра аниқланади. Қуйидаги мисолда таржимада синтактик муаммо мавжуд, эътибор беринг:

4625 Когда в шестьдесят встретить зиму пришлось, / Горячее ешь, все холодное – брось! – And if **you** are sixty, and the season is winter, take hot things only, nothing cold. – 4521 Ёшинг олтмиш (ва ундан ортиқ) бўлса, мавсуминг қиш бўлса, / [яъни, қиш мавсуми бўлса], Иссиқлик истеъмол қил, совуқлик истеъмол қилма.

Ушбу матн парчаларида ўзбекча ва русча матн вариантларида олмош тушириб қолдирилган, инглиз тилидаги вариантида эса *you* олмоши қўлланилган, ундан ташқари *nothing cold* – «ничего холодного», *все холодное – брось*, ўзбек тилидаги вариантида эса: *совуқлик истеъмол қилма* – «не употребляй холодное». Таъкидлаш жоизки, инглиз ва рус тилидаги таржималаридаги биринчи гаплар бир-биридан тилларнинг синтактик ўзига хослиги сабабли фарқ қилади, инглиз тилидаги таржима матнида *to be* ёрдамчи феълнинг ҳозирги замон шакли қўлланилган, рус тилидаги таржимада бундай ҳолат мавжуд эмас, ҳар икки тилдаги таржималарда ёш сўзи тушириб қолдирилган (қиёсланг: Ўзбекча матнда: *Ёшинг олтмиш (ва ундан ортиқ) бўлса, мавсуминг қиш бўлса* – сўзма-сўз.: *Если тебе шестьдесят лет (и больше этого), если сезон зима*). *To be* ёрдамчи феълнинг ҳозирги замон шаклини ва *ёш* сўзининг тушириб қолдирилганини ҳисобга олмаган тақдирда, инглизча таржима деярли тўлиқ бажарилган, рус тилидаги таржимада эса тушириб қолдириш усули мавжуд: *Когда в шестьдесят встретить зиму пришлось*.

Қуйидаги матн парчасида семантик муаммо ҳам учрайди: инглизча таржимада *Иссиқлик истеъмол қил, совуқлик истеъмол қилма* (сўзма-сўз: употребляй горячее, холодное не употребляй): *take hot things only, nothing cold* (сўзма-сўз: принимай горячие вещи (имеется ввиду *пищу*) только, ничего холодного), русча матнда эса *Горячее ешь, все холодное – брось!* – буйруқ, ундов семантикаси кузатилади.

Сўзларнинг синтагматик бирикуви таржима жараёнида муаммоли вазиятларни келтириб чиқаради ва бу каби бирикувлар икки хил бўлади: семантик (юқоридаги мисолга қаранг) ва синтагматик. Биринчиси сўзнинг маъносидан келиб чиқади, иккинчиси эса сўзнинг маъносидан келиб чиқмайди, ҳар бир тил учун ўзига хос бўлади. Сўзларнинг бирикувига мисол бўлиб, «қарор қабул қилмоқ» (нимададир иштирок этмоқ), «иқдор бўлмоқ» (нимадандир) каби турғун ибораларни келтириш мумкин. Қуйидаги мисолни кўриб чикамиз, ушбу мисолларда *ши топишмоқ* / *ши топишма* каби жумлалар қўлланилган:

2507 If two things are found in a man, O king, do not *give him office*, do not let him wield power. One is falsehood on his tongue when he speaks. The other is crookedness of character, which makes him stray from the path. *Let no one with*

